

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА
СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРАТОРИЯСИ

Мусика назарияси кафедраси

Полифония фанида

РЕФЕРАТ

Мавзу: “ Д. Шостаковичнинг полифонияси ”

**Муסיқашунослик бўлими
4 босқич талабаси
Каримова Н.**

Тошкент 2010

Тематизм - полифониянинг асоси

Шостакович полифонияси.

«Симфония – ривожланиш, ҳаёт демакдир»¹. Ҳақиқатдан ҳам, симфония – бу маълум бир фикр-хиссиётларнинг доимий шаклланиш жараёнида мавжудлигидир. Бунда, ҳар бир образ худди ўзимизнинг «туғилган» вақтимиздан бошлаб, ўтиб кетётган «ҳаёт йўлимиз» каби қабул қилинади.

Мавзу – симфония «интонацион мухитининг» энг баланд концентрация лаҳзаси бўлиш билан бирга, ривожланиш жараёни, шаклнинг фаол ўсиши бошланиши сифатида ҳам қабул қилинади. Айнан шу хусусиятлар Шостакович симфонизмига хосдир ва бу ҳақида Асафьев, «унда интенсив эмоциялар симфонизмининг энг яхши хусусиятлари мужжасамланган»² деб ёзган.

Шостакович мавзуси бир тарафдан – асарнинг маъноси ва эмоциясининг аниқ концентрацияси бўлса, иккинчи тарафдан – импульс, бошланғич интонациядир. Бунда шахсий мавзу ва унинг ривожланиши орасидаги чегара худди классиклар каби ҳар доим ҳам аниқ кўрсатилмайди. Мавзунинг биринчи интонацион бўғинларидан пайдо бўлган ҳаракат инерцияси кўпинча катта бўлиб, садонинг узоқ вақт оралиғида тарқалган ҳолда, шаклнинг катта майдонларини қамраб олади. Бундай ҳолларда, мавзунинг тугаш лаҳзаси ритмотектоник ва каденцион тартиблари каби ходисалардан кўра, кўпроқ «интонацион деконцентрация» бошлашини сезишда намоён бўлади.

Шостаковичнинг кўп мавзулари унинг кейинги ривожланиши билан бамисоли «уланган» бўлиб, бир бутунлиқни ташкил этади. Бундай мавзулар одатда бутун шаклнинг асосий эмоционал ва конструктив

¹ Б. В. Асафьев. Избранные труды, М. 1957, 88-б

² Ўша адабиёт. 88-б

таркиби «конспекти» бўлади. Бундан ташқари улар туртки, бошлаш вазифаларини ҳам бажарадилар, аммо бу сафар ўзининг бутун шаклига нисбатандир. Уларнинг якунидан сўнг, одатда янги тематик тузилишлар пайдо бўлиб, улар тўхтовсиз айланиш манбаи бўлиб намоён бўлади (бунда кириш мавзулари ва Бешинчи, Саккизинчи симфонияларнинг биринчи бўлимларида асосий гуруҳлар вазифаларини таққослаш етарлидир).

Демак, мавзу – бу факатгина фикр эмас. Фикр шаклининг пайдо бўлиш асосидир. У ўзида ривожланиш усулига муайян интонацион муҳити заминларини, шарт-шароитларини қамраб олган. Ритмотектоник асосга таянган шакл пайдо бўлиш усули ҳаётга келтирилиши унга таянган бўлади ёки ривожланиш, тўхтовсиз ва кенг қамровли фикрлаш жараёнига интилади.

Прелюдиялар

Шостакович, полифоник прелюдияларга нисбатан булган анъанавий фикр доираларини янгилик, ўзига хослик билан кенгайтириш орқали, қайта кўриб чиқади деб, бемалол айтишимиз мумкин. Бу полифоник прелюдия шаклига новаторлик йўлини пайдо бўлишига сабаб бўлди. Шостакович прелюдиялари – бу факатгина фугага кириш бўлибгина қолмай, балки кенг маънога эга бўлган, бутун бадий тугатилган поэмадир.

Шу билан биргаликда прелюдиялар бутунлай тугатганлик хусусиятига эга эмасдирлар ва ўзидан сўнг фуганинг давом этишини талаб этадилар.

Агар фугаларда асосий рол имитацион полифонияга қаратилган бўлса, унда, шу туркумдаги кўпгина прелюдияларга авваламбор ноимитацион ёки баъзида контраст полифония деб аталувчи полифонияни қўллаш хосдир.

Шостакович прелюдиялари асосан полифоник, уйғун ҳиссиётларга бой бўлади.

Аммо прелюдиялардаги бутунлай полифоник бошланиш уйғунлиқдан устун келади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ноимитацион полифония прелюдиалардаги энг кенг тарқалган ривожланиш усулидир.³

Бундан ташқари, бу прелюдияларда асосида рус куйчилик руҳидаги интонациялар, рус халқ кўп овозлилик, жўр овоз полифоник жиҳатларини ҳам учратиш мумкин.

ФУГАЛАР

Шостакович ўзининг фугаларида Бах, Глинка, Танеев каби буюк намоёндаларнинг анъаналарини давом эттиради. И. С. Бахнинг Шостаковичга таъсирига келсак, Шостакович нафакат Бахдан кейинги даврда ривожланган унинг полифоник анъаналарини давом эттиради, балки муסיқий амалиёт томонидан орқа планга четлаштириб қўйилган полифонияларни замонавий шароитларда тиклайди. Шостакович Бах давридан, (юқорида айтилганидек) айрим прелюдиялар ва фугаларга асос бўлган муайян интонацияларни йиғиб олган. Лекин, Шостакович фугаларида биз кузатаётган ва Бахнинг фугаларига солиштираётган

³ В. Задерацкий. Полифония в инструментальных произведениях Д. Шостаковича. М. 1969 158-159-б

полифонияга ва полифоник жанрларга ёндашишда мерос бўлиб қолишлик алоҳида муҳимдир.

Шостакович фугаларида уйғун ва чизиқли бошланишларнинг ўзаро муносабати Бах қонун - қоидаларига яқиндир. Ҳақиқатдан ҳам, XIX асрнинг ўрта ва охири композиторлари фугаларни талқин қилишларига хос, мелодияга оид таъсир, очилган уйғун тузишни рад этиш, полифонияга интилиш – буларнинг ҳаммаси замонавий шароитларда Бахнинг анъаналарини тиклашга хизмат қилади.

Полифоник оқимининг тўхтовсиз давомийлиги, асар давомида мелодик ривожланиш жадаллиги сусаймаслиги Бахга ҳам, Шостаковичга ҳам бир хил хосдир.

Шостакович ўзининг контрапунктга оид техникаси ихтиёрига замонавий уйғунликни ҳамма ютуқларини тақдим этади, унинг мавзуларининг оҳанг тузилиши Бахникидан анча қийинроқ.

Шостакович фугаларининг умумий тузилиши ҳам кўп жиҳатдан Бахникидан фарқланади. Шостакович фугаларида очилган тематик материалнинг мажбурий бўртирилиши билан аниқ шакллантирилган репризалар ўзига эътиборни тортади. Шостакович фугаларидаги реприза – шаклнинг кенг қамровли қисмидир ва одатда энг фаол тематик ривожланишнинг марказий кульминация жойи ҳисобланади.

Жўр овозли полифония элементлари юзага келади, халқ - вариацион турдаги жўр овозли фигурация кўринишидаги ҳодисалар кўпаяди ва бошқа «рус» белгилари намоён бўлади.

Фугаларнинг тўлиқ тузилиши ҳақида

Шостаковичнинг фугалари аниқ тузилишга эга. Уларнинг шакли одатда уч қисмдан иборат. Булар экспозиция, ривожлов ва репризадир. Шостакович фугаларининг экспозицион қисмлари контрапунктик «хийла-найранг» билан тўсилмаган, мелодик қатлам ифодалилиги билан фарқланади. Бунда мавзу ўзининг энг кўп органик ривожланишига эга бўлади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, фугаларнинг ўрта бўлимлари бошланишида Шостакович кўпроқ битта тизимдаги оҳангдошликка, яъни параллел тузилиш, унинг доминантаси ва унинг субдоминантасига ёндашади.

Узоқ сафлардаги тематик ўтишлардан сўнг, кўпинча асосий оҳангдошлик (предыкт) доминантада органпункт ўрнатилади ва бу мавзунинг репризали янграшига яқинлаштиради.

Шостакович фугаларида интермедиялар асосан шаклнинг кўпроқ ўрта (ривожлов) қисмларида жойлашади. Энг катта интермедия кўпроқ реприза олдида жойлашади.

Шостакович фугаларида асосан уч турдаги интермедияларни учратиш мумкин. Биринчи, энг кўп тарқалган тур бу – интермедия карши тузилма материалларига асосланган бўлади.

Иккинчи тур интермедия – бунда материал сифатида мавзуда ҳам, қарши тузилмада ҳам бўлмаган янги, мустақил интонациялар олинади. Бу мустақиллик албатта нисбийдир.

Интермедия аниқ, қайсидир маънода мустақил шаклга эга бўлган ҳолларда, бутун фуга ўзига хос рондо белгиларига эга бўлади.

Учинчи тур - интермедия асосида, мавзу элементларининг мотив ривожлови ётади ва сақланган қарши тузилма айланасига кўпроқ мойил бўлади.

Шостакович фугалари якуний (реприза) бўлими кўп ҳолларда мавзунинг асосий оҳангдошликда стретта ўтказилиши билан бошланади. Бунда, ҳар ерда каби, композитор катта контрапунктик маҳоратни намоён этади.

Умуман олганда Шостакович фугалари етарли даражада «классик» дейишимиз мумкин. Улар бутун ривожланиш йўли давомида, амалиётда қўллаш оркали ишлаб чиқилган бой меросга асосланган.

Доимий қўлланилаётган динамик уч қисмлилик, фугага киритилган сонатлилик ва рондаллилик элементлари, драматургия кўламининг алоҳида кенглиги ифода имкониятларини кенгайтириб берадиган шаклнинг аниқ симфонизациялигидан далолат беради.

Умуман олганда Шостакович фугалари ўйлаб топилган пропорционаллиги билан фарқланади, ифодаловчи воситаларда эса композитор ҳеч қайерда эстетик чегарадан ошмайди.

Икки бўлимли цикл музикий драматургияси ҳақида (прелюдия ва фуга боғлиқлиги ҳақида)

Бахнинг фугаси – икки бўлимли цикл оғирлигининг маъноли маркази ҳисобланади. Прелюдия циклида – фуга (фантазия, токатта - фуга) эркин импровизационликдан (ёки камроқ регламентлаштирилган шаклдан) аниқ тезис тузилиш, фикрни афористик билдириб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Бахнинг прелюдияси фуга билан образли контраст тамойили ёки уни олдиндан огоҳлантириш тамойили асосида ёзилади.

Лекин, прелюдия – фуга жанри фалсафий концепцияси ўзининг ягоналигидан ташқари, Бахнинг цикл қисмлари мажбурий умумий оҳангдошлилиги билан ва бундан ташқари, кўпинча иштирок этувчи, ўзига хос, баъзида салгина пайкалувчи эмоционал тонуснинг умумийлиги билан мустаҳкамланади. Бу алоқа баъзида зич баъзида эса суст бўлиши мумкин.

Шостакович икки қисмли цикл музикий драматургияси соҳасидаги ютуқларни давом эттиради ва ривожлантиради. Қисман унда эркин ривожланаётган прелюдия эмоцияларининг фалсафий альтернатив ҳаракати давом этади. Лекин у кўпроқ симфоник ҳаракат қилади. Прелюдиялардаги «импровизация даражаси» (нафақат Бахга балки Лист, Франк ва башкаларга қиёслганда) аниқ камаяди, конструктив бошланиш эса кучаяди. Баъзи ҳолларда бу аниқ намоён бўлади.

Прелюдияларда учқисмлилик ҳам, «тўғри» вариационлилик ҳам, сонатлилик ҳам мавжуд. Шунга қарамай (конструктив лаҳзанинг) «рационал таркиби» даражаси бўйича прелюдиялар фугаларга

тенглашилмайди, балки фақатгина охиргиларга яқинлашиш ғояга эга бўладилар.

Шостакович прелюдиялари фуга билан фақатгина эмоционал муҳит орқали, балки тугри интонацион – тематик ўхшашлик орқали ҳам боғланади. Ундаги прелюдия ва фуга – ягона драматургик бутунликдир.

Шостакович прелюдиялари бу фақатгина фугага маъноли контраст ва эмоционал предикт, эмоционал ва тонал тузилиш эмас. Бу «ҳаракат бошланиши» ва бунда фугада ўйланадиган ва ечими топиладиган «савол» пайдо бўлади. Прелюдиянинг ўзи эса драматургик тугалланган асар эмас. Деярли ҳар бир прелюдияни тугалланмаган каденция якунлайди. Баъзи ҳолларда композитор тоникада тугалланмаган каденциядан умуман воз кечади (прелюдия № 3, соль мажор ва № 13, соль-диез минор). Булар ҳаммаси Шостакович прелюдия ва фугани контраст-таркибий шакл сифатида талқин этишидан далолат беради (Вл.Протопов термини).

Шостаковичда прелюдия интонацияси ва фугани яқинлашишида иккита асосий усул сезилади. Биринчиси – фуганинг мавзуси интонацион тузилиши одиндан прелюдия бошланғич интонацияларида жойлашган, иккинчиси – ривожланиш жараёнида, прелюдия охирига бориб янги, лекин бутун прелюдия ривожлашидан келиб чиқадиган интонация текисланилади ва ҳимоя қилинади ва у кейинчалик фуга мавзуси ядроси бўлади.